



ФРАКЦИЯ ИЙГИЛИШИ

2016 йил учун давлат бюджети лойиҳаси кўриб чиқилди

Хукумат томонидан парламентга тақдим этилган келгуси йилга мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳасига кўра, бюджет даромадлари 40,5 триллион сўмни, харажатлари эса 42,7 триллион сўмни ташкил этиши кўзда тутилмоқда.

Айтиш керакки, аввалги йиллардаги каби бу йил ҳам Давлат бюджети лойиҳасида ижтимоий соҳани молиялаштириш ҳамда ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, 2016 йилда таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини мақсадли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, бюджетдан маблағ олувчиларнинг иш ҳақи, пенсия, стипендиялар ва нафақалар ҳамда бошқа биринчи даражали тўловларни тўлиқ молиялаштириш режалаштирилган.

► Давоми 2-бетда.

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИАТЛАРИ



Самарқанд вилояти: УЛУҒВОР МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

Жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида халқ депутатлари Тошкент вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзХДП гуруҳлари томонидан 43 масала сессияга киритилди. 60 масала доимий комиссияларда, 47 масала партия гуруҳларида кўриб чиқилди.

Халқ депутатлари Жиззах вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ЎзХДПдан сайланган депутатлар томонидан шу йилнинг 9 ойида 365 депутатлик сўрови юборилди. Уларнинг ҳозиргача 303 таси ижобий ҳал этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва маҳаллий Кенгашлар депутатларининг жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситалари билан ўзаро алоқасини ривожлантириш шакллари ва усулларига бағишланган минтақавий семинар-тренинг бўлиб ўтди.

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАСИ — ДЕПУТАТ МИНБАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ахборот хизмати томонидан ташкил этилган тадбирда Самарқанд, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидан сайланган сенаторлар ҳамда маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари раислари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ходимлари иштирок этди.

Президентимиз раҳнаомлигида мамлакатимиз парламенти ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакилилик органлари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг қонунчилик ва назорат-таҳлил ишини янада кучайтириш борасида изчил ислохотлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Бу борада аҳолига ахборот бериш, сенатор ва депутатларнинг сайловчилар олдидаги ҳисобдорлигини таъминлаш мақсадида оммавий ахборот воситаларидан самарали фойдаланилмоқда.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг жорий йил 23 январда ўтказилган қўшма мажлисидаги маърузасида парламент томонидан ишлаб чиқарилаётган қонун лойиҳалари, аҳолининг ҳаётий муҳим манфаатлари, ижтимоий ҳуқуқлари

дахлдор бўлган қонунчилик ҳужжатлари муҳокамасига кенг жамоатчиликни жалб этиш ва бунда оммавий ахборот воситаларидан самарали фойдаланиш зарурлиги таъкидланган эди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ахборот хизмати раҳбари М.Исломов. — Мазкур минтақавий семинар-тренингда жамоатчиликни парламент юқори палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг фаолиятдан хабардор қилишда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда олиб бориладиган ишлар, бунда сенатор ва депутатлар фаоллигини кучайтириш юзасидан фикр алмашилди.

Самарқандда ўтказилган семинарда Олий Мажлиси Сенати аъзолари, депутатлар, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ходимлари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари томонидан ўтказилаётган матбуот анжуманлари, брифинглар, сайловчилар билан учрашувлар ва бошқа тадбирларнинг сифати ҳамда самарадорлигини янада ошириш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Ҳ.ҲАсанов,
ЎЗА мухбири.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Янги қонуннинг аҳамиятини тушунтириш масалалари муҳокама қилинди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида шу йилнинг 20 августидан кучга кирган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонуни ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳияти ҳамда аҳамиятини кенг тушунтиришга бағиш-

ланган конференция бўлиб ўтди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси ҳамда сиёсий партиялар фракциялари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Савдо-саноат палатаси вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар, шунингдек, тадбиркорлар иштирок этди.

► Давоми 2-бетда.

«Ўзбекистон ОВОЗИ»

газетасига обуна давом этмоқда. Газетага обуна бўлсангиз: мамлакатимиз ҳаётида рўй бераётган янгиланишлар,

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси фаолияти, янги қонунларга шарҳлар, хориж партиялари иш тажрибаси, ўзбек спортчиларининг халқаро арена-ларда кўлга киритаётган ютуқлари, атоқли давлат, фан, санъат арбобларининг долзарб мавзулардаги фикр-мулоҳазалари билан мунтазам хабардор бўлиб борасиз.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»
газетасига обуна бўлинг!
Обуна индекси 220



Теша МҲМИНОВ,
Ўзбекистон халқ артисти:
— Ботир ука, аввал мен ўқий, кейин сен ўқийсан. Ёшимни хурмат қил...

ФОРУМ ИШТИРОКЧИЛАРИ ИСТИҚБОЛЛИ КОРХОНАЛАР БИЛАН ТАНИШДИ



Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган Халқаро инвестициявий форум иштирокчилари 4 ноябрь куни Фарғона ва Хоразм вилоятларида бўлиб, инвестиция киритиш таклиф этилаётган корхоналар фаолияти билан танишди, мамлакатимиздаги қулай сармоявий муҳит, иқтисодий ва молиявий имкониятлар ҳақида маълумотга эга бўлди.

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг «ўзбек модели» асосида мамлакатимиз иқтисодиёти изчил ривожланиб бормоқда. Иқтисодиётда давлат иштироки камайиб, хусусий сектор салмоғи ошмоқда. Ривожланган давлатлар, нуфузли молия муассасалари мамлакатимиз билан ҳамкорликка интилмоқда. Бугунги кунда юртимизда 90 дан ортиқ давлатнинг хорижий инвесторлари иштирокида ташкил этилган 4 мингдан зиёд корхона муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

Президентимизнинг 2015 йил 24 апрелдаги «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, шу йил 28 апрелдаги «Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуғи ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва бошқа қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар хорижий инвестицияларни жалб этиш, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самардорлигини ошириш, хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришга янада кенг йўл очди.

Бу ислохотлар самараси Фарғона вилоятини ҳам ўз ифодасини топмоқда. Вилоятдаги 150 дан ортиқ корхонага хорижий инвестициялар жалб этилган. Жорий йилнинг ўтган даврида ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, янги қувватларни ишга тушириш мақсадида 38 миллион 584 минг долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар йўналтирилган, вилоятдаги корхоналар 182 миллион доллардан ортиқ қийматдаги маҳсулот экспорт қилган.

Форум иштирокчилари «Фарғонаазот» очик акциядорлик жамиятида бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган ишлар билан танишди. «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти таркибидagi мазкур йирик корхона ўз маҳсулотларини ўнлаб мамлакатларга экспорт қилмоқда.

Корхонада қатор истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Франция билан ҳамкорликда ишлаб чиқаришни автоматик бошқарувчи ягона агрегат тизими ишга туширилган бўлса, чехиялик ҳамкорлар билан аммиакли селитра ва суяқ азот ишлаб чиқариш цехи қурилди.

Куvasой шахридаги «Кварц» акциядорлик жамияти қурилиш санаяти тармоқларига, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган енгил автомобиллар, автобус ва тракторларга юқори сифатли ойна ҳамда шиша маҳсулотлари етказиб беради. Олиб борилган кенг қўламли модернизация ишларидан сўнг ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, маҳсулот тури 150 тага етди. Айни пайтда корхонада икки мингдан ортиқ ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда.

— Корхонанинг металлни қайта ишлаш цехида шиша идишлар учун турли кўринишдаги қолип-лар бизда қизиқиш уйғотди, — дейди Германия ривожланиш банкнинг минтақавий директори Томас Эдгар Лемонн.

— Ўзбекистон иқтисодиёти инвестиция киритиш учун жуда истиқболли. Бу борадаги имтиёзлар билан яқиндан танишдик.

Хоразм вилоятида жорий йилнинг 9 ойида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида 337 миллиард сўмлик 1 минг 258 лойиҳа амалга оширилди. Мингдан ортиқ янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди, соҳага тижорат банклари томонидан 390,2 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилди.

Халқаро анжуман иштирокчилари Урганч шаҳридаги «Урганч ёғ-мой» акциядорлик жамияти, «Урганч экскаватор» акциядорлик жамияти ва унинг қўшидаги «ЎзХСМГ» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасида бўлиб, озиқ-овқат санаяти ва машинасозлик соҳаларида эришилаётган ютуқлар билан танишди.

«Урганч ёғ-мой» акциядорлик жамиятида мингдан зиёд ишчи меҳнат қилади. Корхонада турли ёғ-мой маҳсулотлари, ширинликлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Жорий йилнинг тўққиз ойида бу ерда 8 минг 667 тоннадан ортиқ ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқарилди, 630 тонна ҳўжалик совути экспорт қилинди.

Форум иштирокчилари учун ушатирилган бизнес-учрашувлар, қатор корхоналар фаолияти билан танишув мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти ҳақида тўла тасаввурга эга бўлиш имконини бермоқда, — дейди Испаниянинг «Flores Valles» компанияси минтақавий менежери Виллиам Музи. — Мамлакатимиздаги иқтисодий эркинлик ва қулай инвестиция муҳити хорижликларнинг қизиқишини оширмоқда.

Чет эл инвесторларининг мамлакатимизга сармоя киритишга қизиқиши ошмоқда. Бунини мамлакатимиз иқтисодиётининг турли соҳаларидаги қатор сармоявий лойиҳаларда фаол иштирок этаётган хориж компаниялари мисолида ҳам кўриш мумкин. «Урганч экскаватор» акциядорлик жамияти қўшидаги «ЎзХСМГ» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси ана шундай муассасалардан.

Президентимизнинг 2012 йил 22 ноябрдаги «2013-2015 йилларда Хоразм вилояти санаяти салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори асосида ташкил қилинган мазкур корхонада гидравлик экскаваторлар ва бошқа турдаги қурилиш ускуналари ишлаб чиқарилади, техникаларга хизмат кўрсатилади.

— Ўзбекистон иқтисодиёти изчил ривожланмоқда, — дейди Туркиянинг «Citigroup» компанияси вице-президенти Илҳан Меркон. — Компаниямиз Ўзбекистоннинг қатор банклари билан бир неча йилдан буён самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзаро ҳамкорлигимизни янада кенгайтириш учун катта имкониятлар мавжуд.

Меҳмонлар вилоятда амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари билан танишди, Хива шаҳрининг қадимий ёдгорликларини қизиқиш билан томоша қилди.

Сайёра ШОЕВА,
Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,
Ноҳира МАНЗУРОВА,
Аҳмаджон ШОКИРОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари.

Мурожаатлар эътиборсиз
қолмайди



Бошлангич партия
ташкilotлари фаолияти ҳақида
ким қандай фикрда?

Шу юртда яшаётган ҳар қайси оила, ҳар қайси инсон,
ҳар қайси юртдошимиз бахтли бўлсин, тинчлик ва омонлик
уларга ҳамиша ёр бўлсин!

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИАТЛАРИ

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ:

УЛУҒВОР МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

Президент Ислам Каримовнинг шу йил Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, инсон манфаатларига хизмат қиладиган, чуқур ҳаётий асосга эга бўлган вазифаларни бажаришимиз, энг аввало, ҳар биримиз ўз ўрнимизда, бизга топширилган ишларни масъулият билан адо этишимизга боғлиқ.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохотлар халқимизни фаровон яшашга қаратилгани билан қадридор. Бу ҳақиқатни юрак-юрагидан ҳис этаётган юртдошларимиз эса тобора юксак марраларни забт этишга интиломоқда. Буюк бунёдкорлик ишларига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Бир сўз билан айтганда, улар қалбда тузилган ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси тобора мустаҳкамланмоқда.

— Мен яқинда Самарқанд вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга бағишланган фаоллар йиғилиши ҳақида газетадан ўқидим, — дейди **Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети профессори, таниқли навоийшунос олим Муслихиддин Мухиддинов**. — Унда вилоятимиз ҳокими Зойир Мирзаев томонидан келтирилган рақамлар эътиборини тортди. Ўтган даврда вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти 8 триллион 197 миллиард сўм ёки ўшш даражаси 110,4 фоизни ташкил этиб, белгиланган прогноз ортиги билан бажарилибди. Ушбу ютуқлардан кўнглим тўлди. Бу юксак натижалар ортида юрт-

дошларимизнинг машаққатли меҳнати, фидокорона хизмати ётганигини чин дилимдан ҳис қилдим.

Тўғриси айтсам, бир фуқаро сифатида мамлакатимизда, вилоятимизда юз бераётган ўзгаришлар, қилинаётган ишларга бефарқ эмасман. Ҳар бир ютуқдан қувонаман, давраларда, йиғинларда ислохотлар, хайрли ишлар ҳақида тўлиб-тошиб гапиргим келади. Бугунги кунимиз кечагидан, эртангидан бугунгидан яхши бўлишини, айниқса, ёшларимизга аниқлашга интиламан. Аслида одамларда келажакка бўлган ишонч тобора мустаҳкамланиб бораётганини ҳар биримиз ўз кўзимиз билан кўриб, билиб турибмиз.

Яқинда Ургутда кўпни кўрган ёши улуглар суҳбатидан баҳраманд бўлдим. Улар бундай замон ҳеч қачон бўлмаганини, фарзандлари, набиралари бой-бадавлат эканлигини, бахтли яшаётганини, қишлоқларида янги йўллар, уйлар, мактаб-коллежлар, врачлик пунктлари, қўшма корхоналар қурилганлигини гапирди. Уларнинг тилида шукроналик, дилида шукроналик.

— Бир пайтлар, мустабид тузум даврида, тadbirkorликка қарши кураш олиб бориларди. Истиқлол туфайли халқимиз энг, аввало, ўз эркини, ҳақ-ҳуқуқини таниди. Одамларимиз мулкдор бўлди. Хусусий тadbirkorлик ривожидан давлат сийсати даражасига кўтарилди, — дейди **халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, алоқа, коммунал хўжалик ҳамда аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари доимий комиссияси раиси, «Меҳнат шухрати» ордени соҳиби, ЎзХДП аъзоси Ўттам Саидмуродов**. — Фаоллар йиғилишида билдирилган фикр-мулоҳазаларни диққат билан тингладим. Айниқса, мана бу маълумотлар эътиборимни ўзига тортди. Бугунги кунда вилоятда банд аҳолининг 83 фоизи кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик соҳасида меҳнат қилмоқда. Мазкур тармоқни қўллаб-қувватлаш мақсадига 766 миллиард сўм кредитлар ажратилган. Ялпи ҳудудий маҳсулот таркибига ушбу соҳанинг улуши 83,7 фоизни ташкил қилмоқда. Шу ўринда яна бир гап, агар тadbirkorнинг давлат қўллаб-қувватламаса, химоя қилмаса, барча шарт-шароитларни яратиб бермаса, бундай натижаларга эришиб бўлмаслигини кўпчилик яхши тушуниб турибди. Шу боис ҳам мустақиллик йилларида одамларнинг меҳнатга бўлган муносабати бутунлай ўзгарди. Улар ҳалол ишлаш фаровон яшашнинг бош омил эканини англаб етди.

— Кўча-кўйда ёки бирор



тадбирда учрашиб қолган одамлар бир-биридан ҳол-аҳвол сўрашиб, албатта, қаерда ишлаётгани билан ҳам қизиқади. Шу боис халқимизнинг улуши 83,7 фоизни ташкил қилмоқда. Шу ўринда яна бир гап, агар тadbirkorнинг давлат қўллаб-қувватламаса, химоя қилмаса, барча шарт-шароитларни яратиб бермаса, бундай натижаларга эришиб бўлмаслигини кўпчилик яхши тушуниб турибди. Шу боис ҳам мустақиллик йилларида одамларнинг меҳнатга бўлган муносабати бутунлай ўзгарди. Улар ҳалол ишлаш фаровон яшашнинг бош омил эканини англаб етди.

— Самарқанд вилоятда юз бераётган ижобий ўзгаришлар юртимизда ҳукм сураётган тинчлик туфайлидир. Тинчлик бўлса, тараққиёт бўлади, одамлар хотиржам яшайди, меҳнат қилади, юрт ободлиги йўлида ҳамжиҳатликда ҳаракат қилади, — дейди **халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гурӯҳи аъзоси, Каттакўрғон туманидаги «Қумуш тола» хусусий корхонаси раҳбари, «Шухрат» медали соҳиби Марям Ниёзова**. — Президентимиз ҳар бир қишлоқда тинчлик масаласига алоҳида эътибор қаратади. Қўлга киритаётган ютуқларимиз замирида ҳам,

Французларда шундай бир гап бор: агар одамлар қурилиш қиладиган экан, демак, ҳаммаси жойида.

лиятини чуқур англайман. Вилоятимизда очилган йирик саноат корхоналари, хусусий секторнинг ривожланиши, янги иш ўринлари яратилганларни рағбатлантириш натижасида мана шундай юқори кўрсаткичларга эришилди.

— Самарқанд вилоятда юз бераётган ижобий ўзгаришлар юртимизда ҳукм сураётган тинчлик туфайлидир. Тинчлик бўлса, тараққиёт бўлади, одамлар хотиржам яшайди, меҳнат қилади, юрт ободлиги йўлида ҳамжиҳатликда ҳаракат қилади, — дейди **халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гурӯҳи аъзоси, Каттакўрғон туманидаги «Қумуш тола» хусусий корхонаси раҳбари, «Шухрат» медали соҳиби Марям Ниёзова**. — Президентимиз ҳар бир қишлоқда тинчлик масаласига алоҳида эътибор қаратади. Қўлга киритаётган ютуқларимиз замирида ҳам,

Фаррух ҲАМРОЕВ



Тинчлик бўлса, тараққиёт бўлади, одамлар хотиржам яшайди, меҳнат қилади, юрт ободлиги йўлида ҳамжиҳатликда ҳаракат қилади

РЕКЛАМА ЎРНИДА

«ОРИЕНТ ФИНАНС»:

истиқболли лойиҳаларга — банк кредитлари

Мамлакатимиз иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши тобора ортиб бормоқда. Ҳар йили аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш даражасини юксалтиришга хизмат қиладиган истиқболли лойиҳалар рўёбга чиқмоқда. Табиийки, мазкур жараёнда молия муассасаларининг кредитлари муҳим аҳамият касб этаётир.

Бунди «Ориент Финанс» хусусий акциядорлик тижорат банки фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Ушбу молия муассасаси миқдорларга хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorликни қўллаб-қувватлаш борасида изчил ишларни олиб бормоқда. Чунончи, 2015 йил 1 октябр ҳолатига кўра, банк томонидан мазкур соҳага йўналтирилган кредитлар салмоғи ўтган йилнинг шу даврига нисбатан салкам 50 фоизга ошганлиги ҳам фикримиз тасдиғидир. Сармоялар ҳисобига жойларда ишлаб чиқариш кўлами кенгайиб, янги иш ўринлари яратилди.

Шу ўринда «Shosh produktion»

масъулияти чекланган жамиятини мисол тариқасида келтириш мумкин. Банк кўмаги билан фаолияти кенгайган корхонада нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Замонавий ускуналар ва технологияни қўллаш корхонага юксак натижаларга эришиш имконини бермоқда.

Корхона раҳбари Фахриддин Исомиддиновнинг сўзларига қараганда, корхонада ишлаб чиқарилаётган сифатли ва хилма-хил турдаги маҳсулотлар истеъмолчиларга манзур бўлмоқда. Ҳозирда корхонанинг бир қанча хизмат кўрсатиш шохобчалари аҳолига «Ecoгп» бренди остида хизмат кўрсатапти.



Шунингдек, «Ориент Финанс» томонидан ёшларни, айниқса, касб-хунар коллежи битирувчиларини тadbirkorлик фаолиятига кенгрок жалб этишга, уларнинг бизнес лойи-

ҳаларини молиявий қўллаб-қувватлашга катта аҳамият берилмоқда. Жумладан, мазкур йўналиш бўйича 2015 йил давомида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,5 баробар

кўп кредит маблағлари ажратилган.

Мамлакатимизда кейинги йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича изчил чоралар кўрилмоқда. Айтиш керакки, соҳа таркиби истиқболли банк-молия, сугурта, ахборот-коммуникация, сайёҳлик ва транспорт хизмати каби йўналишлар ҳисобига такомиллашиб борапти. Молия муассасаси шуни ҳисобга олган ҳолда, турли лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун инвестиция кредитлари ажратмоқда. Бу кўрсаткич 2015 йилнинг 9 ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан салкам 65 фоизга ошган.

Кўриниб турибдики, «Ориент Финанс» хусусий акциядорлик тижорат банки жамоаси аниқ ишлаб чиқилган ўз стратегияси асосида ривожланиб бормоқда. Муваффақиятлар ҳар бир миқдорга бўлган алоҳида ёндашувда ва истиқболли лойиҳаларга сармоялар ажратишда яққол намоён бўлаётир.

Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.



ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР
солиқдан озод қилинди

Исроил маъмурияти мамлакат аҳолисида мажбурий тарзда ундириб олинган телевизор солиғини бекор қилди.



Бу йиғим ўтган асрнинг 60-йилларида жорий этилган бўлиб, ўшандан бери амалда қўлланиб келинарди. Охирги пайтларда солиқ миқдори йилига 360 шекелни (80 АҚШ доллари) ташкил этаётганди.

Солиқ маблағи давлат телерадио тармоғини молиявий идора этишга сарфланарди. Эндиликда бу муассасани тарқатиб юбориш мўлжалланмоқда.

Дарвоқе, ушбу солиқ юзасидан мамлакат аҳолиси ўртасида ўтказилган ижтимоий сўров натижалари шундан далolat бердики, иштирокчиларнинг 90 фоизи мазкур солиқ йиғилишига қарши овоз берган.

ОЧАРЧИЛИК ХАВФИ

кучайиб бормоқда

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти, Болаяр жамғармаси (ЮНИСЕФ) ва Бутунжаҳон озиқ-овқат дастури ҳамкорлигида тайёrlанган маъруза эълон қилинди. Унда қайд этилишича, дейилади «АФР» ахборот агентлиги хабарида, Жанубий Суданда деярли икки йилдан бери давом этаётган фуқаролар уруши оқибатида камиди 30 мингга яқин аҳоли очарчилик хавфи остонасида турибди.



Айниқса, нефтга бой Фарбий Юқори Нил штатида оғир жанговар ҳаракатларнинг мудҳиш оқибатлари жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солмоқда. Жорий йилнинг 26 августда Жанубий Судан ҳукумати билан кўзголончилар ўртасида тинчлик битими имзоланган бўлишига қарамай, отишмалар хануз тингани йўқ. Икки томон ҳам бир-бирини келишув битимига рўйя этмаётганликда айбламоқда.

БМТ баён қилишича, инсонпарвар ташкилотлар тезкорлик билан ёрдамга ошиқмаса, очарчилик бошланиши турган гап. Худуддаги бу йилги қурғоқчилик офат хавфини янада оширмоқда.

Эслатиб ўтаёмиз: Жанубий Суданда 2013 йилнинг декабридан эътиборан икки маҳаллий қабила ўртасида қуролли тўқнашувлар давом этмоқда. Экспертлар ҳисоб-китобица, ушбу фуқаролар уруши оқибатида ҳозиргача 10 мингга яқин киши қурбон бўлди, 2,2 миллиондан зиёд киши харбий тўқнашувлардан узоқроқ бўлиш учун ўзга юртларга бош олиб кетган.



■ **Олий хўжалик суди 2015 йил бошидан буён электрон шаклда тақдим этилган 46 мингдан ортиқ даъво аризаси ва илтимосномаларни кўриб чиқди, суд иши иштирокчиларининг 37 мингдан зиёд хабарномаси ва суд ҳужжатлари электрон шаклда юборилди, 2,7 мингта суд мажлиси видеоконференция режимида ўтказилди.**



■ **Жорий йил бошидан буён мамлакатимизда 3440 янги ишлаб чиқариш қуввати ишга туширилди. Юқори технологияли ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш ва замонавий инфратузилма объектларини барпо этишга қаратилган умумий қиймати 888 миллион доллардан зиёд 76 йирик инвестиция лойиҳаси фойдаланишга топширилди.**

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги масалаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

ОИЛА — МАҲАЛЛА — ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ҲАМКОРЛИГИ

Унда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Долли Аллаев бу борада амалга оширилган ишлар ҳақида батафсил маълумот берди.

— Барча таълим муассасаларини бирлаштириб турадиган маскан маҳалла ҳисобланади, — деди маърузачи. — «Бир фарзандга етти маҳалла оталик қилади», деб бежиз айтилмаган. Дунёда тенги йўқ бундай кадрларимиз маҳалла зиммасига катта масъулият юклаган табиий. Биз бу борада Халқ таълими вазирлиги, «Оила» илмий-амалий маркази, Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда бир қатор муассасалар билан ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз. Айниқса, «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги доирасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришда фуқаролар йиғинлари, маҳалла кенгашлари оқсоқоллари ва фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолияти муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Таълим ва тарбияни бир-биридан ажратиб бўлмайди, — деди **Халқ таълими вазирлиги бошқарма бошлиғи Жамолиддин Камолов**. — Оила, ўзини ўзи бошқариш идораларининг таълим муассасалари билан ҳамкорлигини тизимли йўлга қўйиш, ота-онанинг бола тарбиясидаги масъулиятини ошириш натижасида ўқувчилар давомати 98,3 фоизга кўтарилди. Ҳозиргача Тошкент шаҳри ва яна бешта вилоят таълим-тарбия муассасалари фольоти ўрганиб чиқилди, бу жараён давом этмоқда.

— Биз ўз тизимимиз орқали ҳар бир хонадоннинг шарт-шароити, ундаги муҳит билан танишиш имконига эга бўляпмиз, — деди «Оила» илмий-амалий маркази «Оила маънавияти» бўлими мудири, филология фанлари доктори **Мунаввара Якуббекова**. — Маълумки, оила нотинчлиги фарзанд тарбиясига ёмон таъсир кўрсатади. Хўш, оилани ўрганиш маданияти қандай бўлиши лозим? Нотинч оилалар билан ишлашда нималарга эътибор бериш керак? Биз ҳар бир оила билан ишлашда ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор берамиз ва бу борада ўз қўлланмаларимизни тавсия қиламиз. Зиёли, ораста, юксак маданиятли оилаларнинг таърибларини оммалаштирамиз.

Анжуман якунида оммавий ахборот воситалари ходимлари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Нуруллоҳ ДОСТОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА

Болаларни пневмококк инфекциясига қарши эмлаш бошланди

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўтказилган анжуманда шу ҳақда фикр юритилди

Тадбирда Соғлиқни сақлаш вазирлиги санитария эпидемиология хизмати-нинг етакчи мутахассислари, илмий тадқиқот институтлари ходимлари, Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти ва ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари раҳбарлари иштирок этди.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимизда пневмококк инфекциясига қарши янги вакцина жорий этилган бўлиб, барча бирламчи тиббиёт масканларида болаларни эмлаш ишлари бошланди.

Маълумот ўрнида шунини айтиш лозимки, пневмококк ўпка, мия ва юрак қобиғи, қулоқ, бурун бўшлиқлари, нафас йўллари, бўғимлар яллиғланиши каби оғир касалликларни келтириб чиқарувчи хасталиқдир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, дунёда ҳар йили 1,6 миллион киши, жумладан, 800 минг бола ушбу инфекция туфайли келиб чиқадиган оғир касалликлардан нобуд бўлмоқда.

— Охириги ўн йилда республикада полиомиелит, қизамиқ-қизилча ва вирусли гепатитга қарши курашишда бир қатор ижобий натижаларга эришилди, — дейди **Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўринбосари, Бош давлат санитария вазири Саидмурод Сайдалиев**. — Мам-



У.А. олган сурат.

лакатимизда профилактика эмлаш ишлари фуқаролар соғлиғини ҳимоялаш ва аҳолини санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашга қаратилган. Мазкур тадбирга жорий йилнинг ўзига 13 миллиард 600 миллион сўм маблаг сарфланган. Болаларни эмлашда фойдаланиладиган, жаҳон тиббиётда кенг қўлланилаётган энг самарали воситалар олиб келиниб, тегишли тартибда тиббий лаборатория синовларида ўтказилди. Улар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан мувофиқлик сертификати билан қафолатлан-

ди ва жойлардаги эмлаш пунктларига етказиб берилди. Амалга татбиқ этилаётган янгиликдан аҳолини хабардор қилиш мақсадида хонадонлар, маҳаллаларда туршунтириш ишлари олиб борилди.

Саккиз мингдан зиёд ўрта тиббиёт ходими эмлаш ишларини амалга ошириш бўйича махсус тайёргарликдан ўтказилди. Махсус ўқув-услубий машғулотларда қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиниканинг умумий амалиёт врачлари ва патронаж ҳамширалари иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, изчил саъй-ҳаракатлар натижасида аҳоли ўртасида кўплаб юқумли касалликлар бўйича эпидемик вазият барқарорлиги таъминланди. Шу боис 2002 йилда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан «Ўзбекистон полиомиелит касаллигидан холи ҳудуд» эканлигини тасдиқловчи сертификат берилди.

Тадбир давомида мамлакатимизда профилактик Миллий эмлаш тақвими мунтазам ўтказиб борилаётгани ҳақида ҳам сўз борди.

— Аҳоли орасида ўткир ичак касалликларининг олди-

ни олиш мақсадида 2014 йилдан бошлаб ротавирус инфекциясига қарши эмлаш амалиёти ҳам йўлга қўйилди, — дейди **Тошкент шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бош вазири ўринбосари Вазира Муталова**. — Вирусология илмий текшириш институти маълумотига кўра, 5 ёшгача бўлган болалар орасида диарея касалликлар билан касалланиш 30 фоизга камайди. Жорий йилнинг 2 ноябидан бошлаб, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг даволаш-профилактика муассасалари эмлаш пунктларида 2, 3 ва 12 ойлик болаларни пневмококк инфекциясига қарши эмлаш бошланди.

Мутахассислар қайд этганидек, пневмококк инфекциясига қарши вакцина самарали ва хавфсиз ҳисобланиб, мушак орасига юборилади ва 10 йилдан кам бўлмаган муддатга фаол иммунитет ҳосил қилади. ЖССТ ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан вакцинанинг хавфсизлиги, яроқчилиги қафолатланган. Мазкур эмлаш бепул амалга оширилади.

Тадбир доирасида Юнусобод туманидаги 51-оилавий поликлиникада пресс-тур ташкил этилиб, иштирокчилар пневмококк инфекцияга қарши эмлашнинг бошлангичи ғувоҳ бўлишди.

Наврўз ШОДМОНКУЛОВ

ЭЪЛОН

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, Қорақалпоғистон Республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларида ўзаро бир-бирига боғланган ҳолда «ИС Бухгалтерия» тизими асосида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини электрон тарзда юритишни ташкил этиш ва жорий этиш бўйича таълим эълон қилади.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини «ИС Бухгалтерия» тизими асосида электрон тарзда юритишни ташкил этиш ва жорий этиш билан шуғулланадиган корхона ва ташкилотлар ўз тижорат тақлифларини қуйидаги манзилга 2015 йил 10 ноябрга қадар юборишлари лозим.

100029 Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3,
тел: (99871) 239-18-49, 239-15-74, 239-47-50 факс: (99871) 239-13-20.

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ўз ҳисобидаги «Дамас» ва «Матиз» русумли автотранспорт воситалари учун юқори сифатли автошиналарни сотиб олиш бўйича таълим эълон қилади.

Корхона ва ташкилотлар 2015 йилнинг 14 ноябрга қадар тижорат тақлифларини қуйидаги манзилга юборишлари сўралади:

100029 Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3,
Тел: (99871) 239-18-49, 239-15-74,
факс: (99871) 239-13-20.

РЕКЛАМА

ООО «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

АВТОКРАНЫ ГРУЗОПОДЪЁМНОСТЬЮ — 16 т, 25 т, 32 т, 50 т.

САМОСВАЛЫ на шасси «ISUZU» ГРУЗОПОДЪЁМНОСТЬЮ — 4,5 т или 9 т.

Телефоны:
(0-371) 262-97-78,
Факс: (0-371) 262-23-61,
(+99890) 187-52-05,
(+99890) 315-99-17
www.avtokran.uz.
email: cst2008@mail.ru

Товар сертифицирован.

АВТОВЫШКИ на шасси «ISUZU» — до 14, 18 и 22 метров

КРАНМАНИПУЛЯТОРЫ на шасси «ISUZU» или «MAN», грузоподъёмностью — 3 т, 5 т или 7 тонны

ХУШХАБАРЛАР

Доха (Қатар)да жисмоний имконияти чекланганлар ўртасида энгил атлетика бўйича жаҳон чемпионати ниҳоясига етди. Дунёнинг юзга яқин давлатлари вакиллари иштирок этган мазкур мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 1 олтин, 1 кумуш ва 2 бронза медалига сазовор бўлди.

Паралимпиячилар ютуғи



Диск улоқтириш баҳсларида ҳамюртимиз Хусниддин Норбеков 53,81 метр натижа қайд этиб, олтин медал билан тақдирланди.

Шунингдек, терма жамоамиз аъзолари эстафета баҳсларида кумуш медалга сазовор бўлди. Жаҳон чемпиони Хусниддин Норбеков ядро улоқтиришда (14 м. 57 см.), Бежон Чеваров эса узунликка сакраш баҳсларида (6 м. 65 см.) бронза медалини кўлга киритди.

Дзюдочиларимиз совриндорлар сафида

Абу-Даби (Бирлашган Араб Амирликлари)да дзюдо бўйича «Катта дубулга» туркумига кирувчи халқаро турнир якунланди. Унда полвонларимиз иккита бронза медалини кўлга киритди.

Беллашуларни кўтаринки руҳда бошлаган Дийрбек Ўрозбоев (60 кг) бразилиялик Фелипе Китадаи, франциялик Софиане Милоус, грузиялик Лұхуми Чхвимиани ва арманистонлик Хованнес Давтянини енгди ва бронза медал билан тақдирланди.

Пекин ва Лондон олимпиадалари бронза медаллари совриндори Ришод Собиров колумбиялик Хуан Хернандес, италиялик Элио Верде, канадалик Энтон Боучард ва германиялик Себастиан Сейдл устидан галаба қозониб, учинчи ўринни эгаллади.

Нуфузли мусобақада совриндорлар сафидан ўрин олган Дийрбек Ўрозбоев ва Ришод Собиров ўзларининг Олимпия рейтинг жадвалидаги макеняни янада яхшилаб олди. Мазкур халқаро турнирга қадар Дийрбек ўз вазн тоифасида ўн олтинчи, Ришод эса тўққизинчи погонани эгаллаб турган эди. Агар Халқаро дзюдо федерацияси қарорига кўра, эркаклар ўртасида ҳар бир вазн тоифасида кучли йигирма иккиталик кирган спортчи ёғи Олимпия ўйинлари йўлланмасига эга бўлишни ҳисобга олсак, спортчиларимизнинг имконияти янада ошганлигини билиш олиш қийин эмас.

Эркин ХОЛБОБОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОБ-ХАВО	5-6.11 — 2015
Юртимиз бўйлаб (°C)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	-2 / +3
Бухоро ва Навоий вилоятлари	+5 / +10
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	0 / +5
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	+2 / +7
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	0 / +5
Тошкент шаҳри	+3 / +5

Тошкент қишлоқ хўжалик техникуми томонидан 1983 йилда **Шукров Бахтиёр Ҳақович** номига берилган № 863509 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши партия Ижроия Қўмитаси аъзоси, Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Нилуфар Йўлдошевага падари бузруквори **АБДУЛЛА отанин** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши партия фахрийси **Курдаш САИТОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.